Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch

2011-yil 21-may № 63 (2944)

## Дўппи тикдим ипаклари тиллодан



Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Фестивал

## Кино санъати кунлари

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» фестивали бўлиб ўтмоқда.

Миллий кино байрами муносабати билан Самарқанд Давлат университети, Педагогика коллежи, муҳташам концерт залларида учрашувлар, шунингдек, Каттақўрғон, Нарпай, Ургут, Пайариқ туманларидаги таълим муассасалари, маданият масканларида кино ижодкорлари ва ёшлар ўртасида мулоқотлар ташкил этилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Муайтай

## АВСТРАЛИЯДАН тўртта олтин билан

***Хабарингиз бор, жорий йилнинг 20-27 сентябр кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳри муайтай бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади. Ўзбекистон ҳаваскорлар ва профессионал муайтай ассоциацияси ана шу нуфузли мусобақага жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Ўз навбатида тайбоксчиларимиз ҳам юртимизда бўлажак дунё биринчилигида юксак натижаларга эришишни кўзлашмоқда.***

Ўтаётган ҳафтада Австралиянинг Дарвин шаҳрида бўлиб ўтган Арафур ўйинларида вакилларимиз буни яна бир карра исботлашди. Европа, Африка ва Осиё қитъаларидан энг кучли спортчиларни ўзида жамлаган мазкур мусобақада тўрт нафар вакил билан қатнашган терма жамоамиз тўртта олтин медални қўлга киритди. 51 кг. вазн тоифасида андижонлик Шерзодбек Сотқинов, 63,5 кг. вазн тоифасида самарқандлик Фирдавс Холмуродов, 75 кг. вазн тоифасида самарқандлик Артур Қодирқулов, 91 кг. вазн тоифасида бухоролик Жобир Тошпўлатов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Шунингдек, финалда мезбонлар вакилини муддатидан олдин накаутга учратиб, ғолиб бўлган Артур Қодирқулов «Мусобақанинг энг яхши тайбоксчиси», деб топилди. Терма жамоамиз эса «Арафур ўйинларининг энг яхши жамоаси» деган эътирофга сазовор бўлди.

**Нарзулла МАХАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Бокс

## Умидли боксчилар

### синовдан муваффақиятли ўтишди

***Домла Турдали Назаровни яйпанликлар жуда яхши билишарди. У жуда кўплаб йигит-қизларга тарбия берган, илм сирларини уқтирган. Бегали Раҳмоналиев, Шарофиддин Исомиддинов ва юрт тараққиёти йўлида жонбозлик кўрсатган табаррук инсонлар хотирасига бағишлаб Ўзбекистон туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс бўйича турнир ўтказилди.***

Турнирда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидан 410 нафар ёш, умидли боксчилар иштирок этишди. Кези келганда, Ўзбекистон тумани спортчилари нафақат мамлакатда, балки чет элларда ҳам танилиб қолганликларини таъкидлаш жоиз. Шахмат бўйича халқаро мусобақалар ғолиби Нафисахон Мўминова, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Қосимжонов-Ананд учрашувидан сўнг ташкиллаштирилган сеансда Анандни мот этган шахматчи қизимиз — Нафисанинг синглиси Хулкар, белбоғли кураш мусобақаларида жаҳон чемпиони бўлган Соҳобат Шералиева, Гуанчжоуда кумуш медални қўлга киритган боксчи Ўктам Раҳмонов...

Ҳозирги пайтда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс тўгараги ишлаб турибди. Унга юртимиз ёшлар терма жамоаси аъзоси, иқтидорли боксчи Шоҳжахон Исомиддинов раҳбарлик қилади. Тўгарак машғулотларида 60 нафарга яқин боксчилар қатнашмоқда. Умуман, туманда 40 мингга яқин ёшлар спортнинг турли соҳалари бўйича шуғулланишяпти. Тумандаги 404 та спорт иншоотида 698 та спорт тўгараклари фаолият кўрсатяпти. Биргина бадиий гимнастика бўйича бу ерда 360 нафардан ортиқ спортчи қиз шуғулланаётганлиги диққатга сазовор. Ёш бадиий гимнастика устаси Мардона Тўрақулова республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётир.

Хотира турнирида вазн тоифалари бўйича андижонлик М.Қосимов, қўқонлик Р.Рисқиев, қувалик З.Маҳмудов ва бошқалар шоҳсупага кўтарилди. Улар орасида Ўзбекистон туманилик беш нафар ёш боксчи ҳам бор.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳунармандчилик

***Миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг аҳамияти жуда катта. Халқ бадиий ҳунармандчилигининг ўзига хос турларини қайта тиклаш ҳамда уларни замонавий усулда ишлаб чиқариш учун давлатимиз томонидан катта имкониятлар яратилганлиги ҳам бежиз эмас.***

## Имтиёз ва имконият

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида қатор имтиёзлар белгилаб берилганлиги айни муддао бўлди. Бундай имтиёзлар халқ усталарининг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшди. Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати анъаналарини ривожлантириш, моҳир усталарни тайёрлаш бўйича махсус мактаблар ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар, шунингдек, уй шароитида буюмлар ишлаб чиқаришга рухсат бериб қўйилгани ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотларининг нархини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилаши кўрсатиб ўтилганлиги нур устига нур бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига биноан уй шароитида якка тартибда меҳнат фаолияти билан банд ҳунармандлар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди.

Ушбу фармондан руҳланган вилоятимизда фаолият олиб бораётган кўпгина иқтидорли ҳунарманд уста ва шогирдлар «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлишди. Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмаларига аъзо бўлганлар 283 тани ташкил қилади. Жорий йилнинг биринчи чорагида уюшмага аъзо якка тартибдаги тадбиркорлар 42225,0 минг сўм миқдорида солиқ имтиёзларига эга бўлишди. Хусусан, Гурлан туманида 96 та якка тартибдаги тадбиркор туман ДСИдан рўйхатдан ўтиб, 14323,7 минг сўмлик имтиёздан фойдаланди. Шунингдек, Ҳазорасп туманида 20 та якка тартибдаги тадбиркор ҳам фаолиятини имтиёзлар билан амалга оширмоқда ва уларнинг ихтиёрида 2984,1 минг сўм қолди.

Давлатимиз томонидан берилаётган бу каби енгилликлар ҳунармандлар сонининг кўпайишига ва бандликка кўмаклашишга катта туртки беради. Қолаверса, қўл меҳнатидан яратилган маҳсулотлар бутун дунёда эъзозланади ва қадрланади. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остидаги миллий маҳсулотларимиз сифат жиҳатдан ўз ўрнига эга эканлиги эса исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

**Қудрат ИГАМБЕРГАНОВ,**
**Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи**

Учрашув

***Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида халқ дипломатияси йўналиши асосида ўзбек халқи тарихи, миллий қадриятлари ва санъатини хорижий мамлакатларга кенг тарғиб этиш, халқлар ва миллатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшган фахрийлар билан дўстлик жамиятлари ижрочи директорлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.***

## Дийдор

**Учрашувни Дўстлик жамиятлари Кенгаши раиси академик Саидаҳрор Ғуломов табрик сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди:**

**— Икки авлод вакиллари билан учрашувни ташкил қилишдан мақсад Дўстлик жамиятлари Кенгашига тамал тошини қўйган устозлар, халқ дипломатияси йўлида фаолият кўрсатган инсонлар руҳи олдида таъзим этиб, ёдга олишдир. Бугунги ютуқларимизга эришишда, албатта, сиз устозларнинг тажриба ва ўгитларингиз асос бўлиб хизмат қилди.**

**Тадбирда иштирок этган фахрийлар: М.Мирқосимов, Ш.Маҳмудова, Х.Ғуломов, А.Турсунов, Н.Муродов, О.Аббасова, М.Юнусхўжаева, П.Расулзода ва бошқалар ёш мутахассисларга, Дўстлик жамияти аъзоларига халқ дипломатияси йўлида юртимиз довруғини хорижий давлатларга тарғиб этишдаги фаолиятни янада самарали бўлиши учун яна нималарга эътибор қаратиш юзасидан ўз маслаҳатларини беришди.**

**— Қирқ йилдан буён Дўстлик жамиятлари Кенгашида фаолият юритаман, — деди шарқшунос олима Муборак Юнусхўжаева. — Ушбу ташкилот бугунга қадар турли номлар билан аталиб келинсада, мақсади бир. Яъни, меҳнаткаш ва меҳмондўст ўзбек халқининг миллий қадриятларини дунёга танитишдан иборат.**

**Учрашув қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Тошкент Давлат Консерваторияси талабалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар кечага файз киритди.**

**Муқима АБДУЛЛАЕВА,**
**Дўстлик жамиятлари Кенгаши масъул котиби**

Мозийдан садо

## МАНТИҚ ИЛМИ ДАРҒАЛАРИ

### ёхуд темурийлар даврида фалсафа

***Илм-фан, маданият ҳамда адабиётни нозиктаъб тушунган, бу соҳаларда катта ютуқларга эришган алломалар темурийлар давридагидек кўп бўлмаган бўлса керак. Ўз-ўзидан маълумки, ўша даврда табиий-илмий фанлар, айниқса, фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилган.***



Мантиқ илми вакилларидан Саъдиддин Тафтазоний 1322-1392 йилларда яшаб ижод қилган. У ёшлигидан илоҳиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шуғулланади. Туркистон, Ҳирот, Жом, Ғиждувон мадрасаларида талабаларга дарс берган Тафтазонийнинг шуҳрати, илмий қарашлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалган. Амир Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади. Тафтазоний 40 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифи бўлиб, «Таҳзиб ул-мантиқ вал-калом» (Мантиқ ва каломга сайқал бериш), «Мухтасар ул-маоний» (Риторикага оид қисқача маънолар) каби асарлар ёзиш билан бир қаторда жуда кўп фалсафий асарларга шарҳ битган.

Яна бир аллома — Мир Маййид Шариф Журжоний ҳам 50 дан ортиқ рисола муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Олимнинг «Ат-таърифот» (Таърифлар), «Одоб ул-мунозара» (Мунозара олиб бориш қоидалари), «Сугоро» (Кичик далил бўла оладиган ҳукм), «Кубро» (Катта далил бўла оладиган ҳукм) ва бошқа асарлари мавжуд. Булардан ташқари, Журжоний салафлари, хусусан, ибн Сино, Чаминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шарҳ ёзган. Журжоний мантиқ илмини фалсафадан ажратмай, айни бир вақтда унинг ҳуқуқ ва тил билан чамбарчас боғлиқ эканини исботлаб беради. Шунинг учун ҳам XIV-XV асрлардан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Умуман олганда, Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантиқий қарашлари илм-фан ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврлар мутафаккирлари дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди.

Абдураҳмон Жомий фалсафий қарашлари бевосита инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Мутафаккир асарларида адолат, муҳаббат, эзгулик ғоялари тасвирланади. Жомий нақшбандия таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий жиҳатларини ривожлантиради. Жаҳон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган сиймолардан бири Алишер Навоийнинг ижоди, айниқса, фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-ўйлари ифодаланган. Шоир ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим хусусияти шуки, унда фалсафий фикрлар мажозий тарзда, бадиий ўхшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зохирий ва ботиний қатламларда баён қилинади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу алломаларнинг ижтимоий фалсафий ва ахлоқий ғоялари ҳозир ҳам тарбиявий қимматини йўқотмай келмоқда. Зеро, улар мустақил давлатимизнинг маънавий пойдеворини янада мустаҳкамлаш, маданий-маърифий, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

**Нилуфар МАМАДИЕВА,**
**Тошкент давлат техника университети катта ўқитувчиси.**
**Бунёд АШУРАЛИЕВ,**
**Геология ва кончилик иши факултети талабаси**

Insonga naf keltirish - oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

**Navbatchi muharrir:**
A.Toshev

**Navbatchi:**
A. Arslonov

**Musahhih:**
N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.30
ЎзА якуни - 22.20

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

1 345